

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
2021 йил «5» апрель

Рўйхатга олиш рақами 81/2

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раисининг
биринчи ўринбосари

ИМЗО

Б.Э.Захидов

**«ОРИЕНТ ФИНАНС»
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
У С Т А В И Г А
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Навбатдан ташқари
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2021 йил «17» мартдаги 1/2021 -сонли
баённома-қарори

Кузатув кенгаши Раиси:

ИМЗО

Б.Б.Парпиев

ТОШКЕНТ-2021 йил

**Акциядорлар умумий йиғилишининг 2020 йил 31 мартдаги
1/2020-сонли баённома-қарори билан тасдиқланган «Ориент Финанс»
хусусий акциядорлик тижорат банкининг (янги таҳрирдаги) Уставига
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Банк Уставининг 6-боби қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“6. БАНК АКЦИЯЛАРИ, АКЦИЯЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ.
БАНКНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРИ**

6.1. Банкнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акциялардир.

6.2. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Банк акциядори деб эътироф этилади.

6.3. Банкнинг оддий акциялари овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек Банк тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир.

6.4. Банк акциясининг номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм. Банк акцияси бўлинмасдир.

6.5. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида, Банк томонидан жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштирилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори:

- номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 418 671 801 250 (тўрт юз ўн саккиз миллиард олти юз етмиш бир миллион саккиз юз бир минг икки юз эллик) сўмлик, умумий сони 334 937 441 (уч юз ўттиз тўрт миллион тўққиз юз ўттиз етти минг тўрт юз қирқ бир) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 500 000 000 (беш юз миллион) сўмлик, умумий сони 400 000 (тўрт юз минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

3. Банк Уставининг 9.1-банди:

биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9.1. Банкнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлмиш акциядорларнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:”

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“-Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш. Бунда имтиёзли акция эгалари оддий акция эгаларидан олдин ўзларига тегишли имтиёзли акцияларнинг тугатиш қийматини оладилар;”

олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“- Банкнинг оддий акция эгалари Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;”

4. Банк Уставининг 9.2-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Банкнинг имтиёзли акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар Банк Акциядорларининг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, улар фақат қуйидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар:

Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш;

Банк Уставига имтиёзли акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейингисидан бошлаб Акциядорлар умумий йиғилишида унинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банк Уставининг 10.7-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Дивидендлар биринчи навбатда имтиёзли акциялар, сўнгра оддий акциялар бўйича тўланади. Банкнинг имтиёзли акциялари **уларнинг номинал қийматининг 14 фоизи миқдорида** дивиденд олиш ҳуқуқини беради. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун заҳира фонди таркибида алоҳида модда ажратилади. Имтиёзли акцияни тугатиш қиймати (Банк тугатилаётганда тўланади) унинг номиналининг 100 (юз) фоизини ташкил этади.”

Бошқарув Раиси

имзо

Т.Ф.Джунайдуллаев